



Иш вазифаси

// должностные обязанности

ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ, ҲАРБИЙ САФАРБАРЛИК ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ГУРУХ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

I. Умумий қоидалар

Вилоят ҳокимлигининг Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи (кейинги ўринларда “гуруҳ” деб юритилади) вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, вилоят ҳокими раҳбарлигида фаолият юритади.

Гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2- сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун ҳужжатлари, қарорлари, фармойишлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида фаолият юритади.

II. Асосий вазифалар

Гуруҳ ўз фаолияти мобайнида давлат, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларини ҳуқуқий демократик давлат қуриш, ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, қонун ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга жалб қилади.

Гуруҳ вилоят прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия, Божхона, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар бошқармалари, вилоят жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлари, вилоят хўжалик суди, Чегара кўшинлари “Андижон” тезкор гуруҳи, Андижон ҳарбий округи, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят бўлими, Бош Прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга, жинойий даромадларини легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси, адвокатлар идораси фаолиятларини мувофиқлаштиради ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар белгилашда иштирок этади.

Наркотик моддаларни назорат қилиш, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар қўриқланишини назорат қилиш, вилоят ҳудудига доимий рўйхатдан ўтказиш, ҳарбий чақирик, ижтимоий мослашув ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларининг ишини мувофиқлаштиради, ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этади ва йўналтиради.

Фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича вилоят ҳудудида табиий ва техноген тусдаги офатларнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиб, бу борада амалга оширилган чора-тадбирларни назорат қилади.

Вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикаси “Чегара тўғрисида”ги қонуни асосида ягона чегара сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида барча мутасадди ташкилотлар ва идораларни жалб этган ҳолда чора-тадбирлар белгилайди.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг ҳуқуқий ислохотларни ривожлантиришга доир қарорларини бажарилишини назорат қилиб боради;

Вилоят ҳокимлиги аппарати ишени ҳуқуқий жихатдан таъминланишини ташкил этади.

Аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида омма орасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини йўналтиради, жойларда ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари боришини назорат қилади;

Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳуқуқшуносларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

Вилоятдаги оператив ҳолатни умумлаштириб, таҳлил қилади ва жинойтчиликни олдини олиши учун вилоятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатлари, ҳуқуқий актларини тартибга солинган ҳисоботини ва сақланишини ташкил этади, бошқа бўлимлар билан биргаликда вилоят ҳокимлиги норматив ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради;

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг қарор ва фармойишлари, бошқа норматив ҳужжатларининг қонунийлигини ўрганиб боради ва зарур ҳолларда уларни бекор қилиш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят Халқ депутатлари Кенгашида, фаоллар йиғилишида қатнашиб, Кенгашда кўриладиган масалаларни тайёрлашда бошқа бўлинмалар ва хизмат ходимлари билан иштирок этади;

вилоятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан биргаликда ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, жинойтчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг вилоят ҳокимлигида ҳисобот беришини таъминлайди.

Ҳокимлик бўлинмалари билан биргаликда марказий аппарат ҳамда бошқа қўйи бошқарув органлари тизимида қонунчиликни тўғри қўлланишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, қўйи бошқарув органлари томонидан амалдаги қонунчиликка зид чиқарилган ҳужжатларни бекор қилиш учун чора-тадбирлар кўради;

Вилоят ҳокимига имзолаш учун тақдим қилинаётган қарорлар, фармойишлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлайди;

Вилоят ҳокимлигига тушган ариза ва шикоятларнинг ҳал қилинишида бевосита иштирок этади;

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги ҳуқуқшуносларига ҳамда активига семинарлар ташкил қилади ва ўтказилади;

Гуруҳ вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган йиллик иш режасида белгиланган бошқа масалаларни амалга оширади.

III. Гуруҳнинг тузилмаси ва ишени ташкил этилиши

Гуруҳ таркибига гуруҳ раҳбари, 1 нафар бош мутахассис ва 1 нафар етакчи мутахассис қиради.

Гуруҳ ходимлари юқори малакали, тажрибали ҳуқуқшунос-мутахассислар орасидан танланади.

Гуруҳ ўз фаолиятини ойлик, ярим йиллик, йиллик муддатли иш режалари асосида олиб боради.

Гуруҳда белгиланган муддатларда йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, иш режада белгиланган вазифалар ижро этилиши назорат қилиниб, бажарилиши лозим бўлган вазифа ва топшириқлар белгилаб олинади.

Гуруҳ ходимлари томонидан барча вилоят бошқарма ва ташкилотларида, шаҳар ва туман ҳокимликларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда гуруҳга таълуқли масалалар ижроси назорати амалга оширилиб, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш юзасидан чоралар кўрилади.

Иш юритув, ҳужжатларнинг ижро этилиши гуруҳ мутахассислари томонидан амалга оширилиб, қилинган ишлар бўйича гуруҳ раҳбарига маълумот тақдим этилади.

IV. Гуруҳ ходимлари вазифалари тақсимоти

1) Гуруҳ раҳбари

Гуруҳ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва гуруҳга юклатилган вазифаларнинг ижросига шахсан жавоб беради, гуруҳнинг тасдиқланган иш режаларига мувофиқ иш олиб борилишини ташкил этади ва мазкур иш режада белгиланган чора-тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

Гуруҳ иш режасини тузади, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

гуруҳ ходимларининг касбий ва сиёсий билимларини оширилишини таъминлайди;

вилоят ҳокимига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини яхшилашга доир таклифлар киритади;

аҳоли, корхона, ташкилот ва бошқа турли идоралардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал қилинишини таъминлайди;

вилоят сессиясига қўйиладиган масалаларни тайёрлашда қатнашади;

ходимлар томонидан гуруҳ иш режасига киритилган масалаларнинг бажарилишини назорат қилади;

Андижон вилояти ҳокимлиги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари